

ЖЎРАЕВ Шукрулло

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Имом Мотуридий халқаро илмий-
тадқиқот маркази илмий ходими

ИЛК ИСЛОМ ДАВРИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ В РАННЕИСЛАМСКИЙ ПЕРИОД

THE FORMATION AND DEVELOPMENT OF DIPLOMATIC RELATIONS IN THE EARLY ISLAMIC PERIOD

Аннотация: Мақолада илк ислом даврида дипломатик муносабаталар, хусусан, элчилик алоқаларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида сўз боради. Жумладан, ислом тараққиётининг Мадина даврида хорижий давлатларга мусулмон элчиларининг юборилиши ҳамда Мадина шаҳрида хорижий давлатлардан келган элчиларнинг қутиб олиниши, ислом ҳуқуқида элчи лавозими учун қўйилган талаблар ёритилган. Шунингдек, мақолада ислом ҳуқуқида дипломатик дахлсизлик, уруш ва тинчлик даврида элчиларнинг мол-мулк соҳасидаги дахлсизлиги каби муҳим масалалар ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилган.

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи, дипломатик муносабатлар, элчи, Худайбия шартномаси, дахлсизлик, дипломатик дахлсизлик.

Аннотация: В статье рассматривается становление и развитие дипломатических отношений в раннеисламский период, в частности посольских отношений. В частности, в статье описывается развитие ислама в период Медины, отправление мусульманских послов в зарубежные страны и прием послов из зарубежных стран в Медине, требования к рангу посла в исламском праве. В статье также рассматриваются такие важные

вопросы исламского права, как дипломатическая неприкосновенность и неприкосновенность имущества послов в военное и мирное время.

Ключевые слова: Исламское право, дипломатические отношения, посол, Худайбийский договор, неприкосновенность, дипломатическая неприкосновенность.

Abstract: The article discusses the formation and development of diplomatic relations in the early Islamic period, in particular, ambassadorial relations.

In particular, the sending of Muslim ambassadors to foreign countries during the period of Islamic development in Madinah, the reception of ambassadors from foreign countries in Madinah, and the requirements for the rank of ambassador in Islamic law. The article also discusses important issues in Islamic law, such as diplomatic inviolability and the inviolability of ambassadors' property in times of war and peace.

Keywords: Islamic law, diplomatic relations, ambassador, Treaty of Hudaibiyyah, inviolability, diplomatic inviolability

КИРИШ

Халқаро муносабатлар инсоният тарихининг илк давларидан бошлаб ҳар қандай жамият, давлат ва ҳаттоки алоҳида шахслар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Жаҳонда турли миллатларни шаклланиши, хилма-хил ижтимоий тартиботларнинг юзага келиши, давлатлар сиёсий тизимларининг ўзгариши, турфа маданиятларнинг уйғунлашуви, фан ва санъатнинг ривожланиши, ҳудудларни ажратувчи чегараларнинг ўрнатилиши, давлатлар ўртасидаги тўқнашув ва келишувларнинг замирида дипломатик муносабатларнинг ўрни бекиёс. Умумий қилиб айтганда, дипломатик муносабатлар давлатлар, халқлар ва миллатларнинг тақдирини ҳал қилишда муҳим ўрин тутган [12: 66].

АСОСИЙ ҚИСМ

Тарихга назар солсак, дипломатия ибораси — халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий соҳаларидан бири бўлиб, давлатчилик белгилари пайдо бўлгандан бошлаб то ҳозирги кунгача муомалада фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, исломда

дипломатик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тарихи Муҳаммад (с.а.в.) даврига бориб тақалади. Дастлаб, Макка даврида Муҳаммад (с.а.в.) турли қабилалардан келган кишиларни исломга даъват қилиб, улар билан битимлар имзолашга интиланган. Табиийки, янги дин ташвиқоти элчилик миссияси билан узвий боғлиқ бўлган [6: 78].

Исломда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши Мадина даврида юксак даражага кўтарилди. Мусулмонлар томонидан олиб борилган дипломатик муносабатларнинг марказида тавҳид ғояси турган бўлса, ахлоқий ва гўзал инсоний фазилатлар ҳам элчида бўлиши талаб этилган. Бу даврда исломни қабул қилганлар билан исломни ҳали қабул қилмаган қabila ва давлатчилик тузилмалари ўртасида музокаралар олиб бориш айнан элчилар томонидан амалга оширилган.

Мусулмон давлатчилигининг дастлабки давларидаёқ ким элчи бўлиши мумкин, унга қўйиладиган талаблар, элчининг вазифалари, элчи қандай имтиёз ва эркинликлардан фойдаланиши, қандай ҳаракатлардан тийилиши ҳақидаги илк қоидалар шакллана бошлаган. Элчилик муносабатларининг ривожланиши жараёнида бу қоидалар мазмунан бойиб, такомиллашиб борган. Муҳаммад (с.а.в.) даврида юмшоқ табиатлилик, жисмонан ва маънан соғломлик, сўзга усталик – нотиқлик, балоғат ёшига етганлик, сўзларни аниқ, тиниқ ва чиройли ифодалай олиш қобилиятига эга бўлиш, ўз айтганларига бошқаларни ишонтира олиш, ҳар бир айтган сўзининг тўғри эканлигини тегишли далиллар келтириш орқали исботлай олиш, қайси мамлакат, ўлка, қабиллага юборилса, ўша ер аҳолисининг тилини билиш каби фазилатлар элчи шахсида бўлиши лозим бўлган. Ўз навбатида, элчилар шахсий, мол-мулк ва ҳаётининг дахлсизлиги ҳуқуқидан фойдаланган, элчиларни қабул қилувчи тараф уларга яхши муносабатда бўлиши лозим бўлган, элчиларнинг виждон ва дин эркинлиги қафолатланган, улар чегара масканларидан ўтганда шахсининг ва юқларининг дахлсизлиги ҳуқуқидан ҳам фойдаланишган [11: 51].

Муҳаммад (с.а.в.) давларидаёқ хориж элчиларига иззат-ҳурмат билдириш одат тусини олган. Ғайридин ўлкалардан Мадина шаҳрига келган дастлабки элчилар Пайғамбар (с.а.в.) томонидан масжидда кутиб олинган, улардан ҳадялар қабул қилинган ва уларга ҳадялар берилган. Бироқ, мусулмон элчилари исломга даъват қилиш мақсадида ўзга ўлка ёки қабилаларга юборилган бўлса, уларнинг бошлиқларига ҳадя тақдим этишмаган. Бу эса ислом динига дунёвий манфаат эвазига даъват этилмаслиги билан боғлиқ эди. Айни шу даврда мусулмонлар номидан Византия императорига, Эрон Кисросига, Ҳабаш Нажошийсига, Миср Азизига, Қассон амирига, Ямома маликига элчилар юборилгани ҳақида маълумотлар бор.

Исломнинг тинчлик ва ҳамжиҳатлик дини эканини амалда кўрсатиб берган Муҳаммад (с.а.в.) дипломатиясининг муҳим жиҳатларидан бири унинг ҳар қандай вазиятда тинчликка йўналтирилганидир. Бу ҳолат “Худайбия сулҳи”да яққол намоён бўлади. Унда курайш мушриклари вакили Суҳайл ибн Амр мусулмонларга қабул қилиш қийин бўлган бир неча шартларни қўйган бўлишига қарамай, Муҳаммад (с.а.в.) тинчлик йўлида унинг барча шартларини қабул қилиб, сулҳ шартномасини имзоладилар [1: 188].

Пайғамбар (с.а.в.) бошчилигидаги дипломатик музокараларда ҳарбий қувват ҳеч қачон ҳукмронлик курули сифатида ишлатилмаган. Акс ҳолда, Муҳаммад (с.а.в.) бошлиқ мусулмонлар “Худайбия сулҳи”ни қабул қилмасдан ҳам Маккага кириш имкониятига эга эдилар, яъни Худайбияда 1500 га яқин мусулмон жангга тайёр ҳолда эди. Лекин мусулмонларнинг мақсади тинчликни қарор топтириш, эминликда ибодатларни бажариш бўлган.

Муҳаммад (с.а.в.) атрофдаги қабилалар ва давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда имконият даражасидаги барча воситалардан фойдаланганлар. Хусусан, кишилик тарихида дипломатик муносабатларни ўрнатишда никоҳ омилининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бу омил Муҳаммад (с.а.в.) назаридан ҳам четда

қолмаган. Жумладан, мусулмонлар учун энг катта душманлардан деб ҳисобланган қурайш қабиласининг раҳбари Абу Суфённинг қизи Умму Ҳабиба (р.а.)га Муҳаммад (с.а.в.)нинг уйланишлари ҳам дипломатик муносабатларни илиқлаштириш учун қўйилган қадамлардан ҳисобланади. Чунки, Расулulloҳ (с.а.в.) Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетган Умму Ҳабиба (р.а.)га уйланиш таклифини Ҳабашистон подшоши Нажашийни вакил қилган ҳолда билдирдилар.

Бу орқали Ҳабашистондаги мусулмонлар учун ҳам енгиллик бўлишига умид қилдилар. Бундан ташқари, Жувайрия бинти Ҳорис (р.а.) га уйланишлари Мусталиқ қабиласи билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса, Сафия бинт Хувай (р.а.) боғланган никоҳ Хайбар асирларининг озод бўлишига сабаб бўлган.

Бундан ташқари, Пайғамбар (с.а.в.) дипломатик дахлсизлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Дипломатик дахлсизлик – бу дипломатик ташкилот вакиллариининг маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиш ҳамда ҳаётига таҳдид солиши мумкин бўлган хатарлардан сақлаш ҳисобланади. Дипломатик фаолият ҳуқуқий асосларга эга бўлган бугунги кунда давлатлар ўртасида ўзаро юборилган элчиларнинг дахлсизлигини бузиш ноқонуний ҳисобланади. Гарчи 1961 йилги Вена конвенциясига қадар Ғарбда дипломатик дахлсизлик тўғрисидаги қонун мавжуд бўлса-да, дипломатлар турли сабабларга кўра ўлдирилган, чунки улар ҳуқуқий меъёрларга эга эмас эди. Бу ҳолат одатда давлатлар ўртасида уруш ёки муносабатлар кескинлашганда содир бўлган.

1961 йилги Вена конвенциясида мустаҳкамланган дипломатик дахлсизлик туфайли элчихоналарда жосуслик фаолиятини махфий тарзда олиб бориш имконияти ҳам яратилди. Агар мезбон мамлакат жосусларни аниқлаган тақдирда ҳам, улар жиноий жавобгарликка тортилмайди. У фақат депортация қилиниши мумкин. Шунингдек, Вена конвенциясининг 27-моддаси 3-бандига биноан, дипломатик вакилларга тегишли юкларни очиш, тинтув қилиш ва олиб қўйиш мумкин эмас [3]. Бу

юкларнинг катта-кичиклиги аҳамиятсиз. Тўғри, бу жараёнда суиистеъмолликлар ҳам кузатилиши мумкин. Хусусан, юклари орасига тақиқланган буюмларни жойлаштириши ёки маълумотларни сақлаши билан боғлиқ ҳолатларда ҳам элчининг дахлсизлиги сақланади, аммо унга нисбатан мезбон давлат томонидан “персона нон грат”, яъни элчиликка нолойиқ шахс деб эълон қилинади.

Дипломатик дахлсизлик ҳуқуқи бугунгидек комил шаклга келганига атиги 60 йил бўлди, аммо, ислом тарихи дипломатиясининг илк босқичидаёқ элчининг дахлсизлик масаласига катта эътибор қаратилган. Хусусан, Пайғамбар (с.а.в.) элчи бўлиб келган шахс илгари мусулмонларнинг ашаддий душмани деб топилган бўлсада “элчига ўлим йўқ” шиори остида унинг дахлсизлигини тан олганлар. Жумладан, Уҳуд жангида Ҳамза (р.а.)нинг жонига қасд қилган Ваҳший ибн Ҳарб Макка фатҳидан кейин қатл қилиниши керак бўлган шахслар тоифасига киритилади. Шунда Ваҳший Шом ҳудудларига қочмоқчи бўлганида тоифликлар Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурига элчи билан бирга борса унга омонлик беришини уқдиришади. Бу вазиятдан фойдаланган Ваҳший элчи билан бориб омонлик олади [2: 480].

Бундан ташқари, ўзини пайғамбар деб эълон қилган Мусайламатул-каззоб ҳам Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурига элчилар юборади. Бу ҳақида Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) шундай деганлар: “Мусайламатул-каззобнинг элчи сифатида юборган икки вакили Муҳаммад (с.а.в.) ҳузурида номақбул гапларни гапирсаларда, элчилик ҳурматида уларга тегмадилар. Элчилар ўлдирилмайди, деган тамойил (доимий) амалдаги суннатга айланди” [2: 306].

Шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.) нафақат ўзгаларнинг элчилари, балки мусулмонлар томонидан юборилган элчиларнинг дахлсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, Ҳорис ибн Умайр (р.а.)ни Шом вилоятининг Бусро шаҳри ҳокими Ҳорис ибн Абу Шумурга элчи қилиб юбордилар. Мусулмонлар элчиси Муъта деган жойга етганида Ғассон қабиласининг раиси Шураҳбил ибн Амр ўз одамлари билан Ҳорис ибн Умайрни

тутиб олиб ўлдиради. Бу хабар Расулulloҳга етгач, мусулмонларнинг 3 минг атрофида аскар бўлишига қарамай, Румнинг 100 мингдан ортиқ аскарига қарши қўшин юборадилар. Бу ҳодисадан сўнг бутун араб қабилалари ва атрофдаги давлатлар мусулмон элчиларининг ҳаётига дахл қилишдан тийилдилар [4: 98].

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, халифалар бошқаруви даврида элчилик муносабатлари ривожланиши янги босқичга кўтарилди. Мазкур муносабатлар тадқиқотчисининг ёзишича, “VII асрдаги Хулафои Рошидун номини олган илк марказлашган араб-мусулмон давлати ҳукмдорлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг вориси сифатида элчилик муносабатлари борасида жорий этилган умумий қонуниятларнинг деярли барчасига тўлиқ амал қилишга ҳаракат қилишган. Бу даврдаги давлат ҳудудлари ниҳоятда кенгайди. Натижада, бошқа давлатларга нисбатан “дорул ҳарб”, “дорул ислом” ва “дорул аҳд” тушунчалари қўлланила бошланган. Ушбу тушунчалар асосида халқаро ҳуқуқий имтиёзлар даражаси белгиланган. Мазкур тушунчаларга қараб элчи билан боғлиқ омонлик, гувоҳлик, музокараларда иштирок этиш ҳуқуқи, ҳукмдор мактубини етказиш масалалари ҳал этилган” [9: 271].

Бундан ташқари, халифалар бошқаруви даврида халқаро муносабатларга у ёки бу даражада алоқаси бўлган давлат органлари тизимида ҳам ўзгаришлар юз берди, янги тузилмалар ташкил этилди. Хусусан, давлат аппарати ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиб, араб жамоаси мукамал жамиятга айланишини айтиш мумкин. Бошқарув тизимига солиқ, ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, котиблик тизимида халқаро алоқаларга расмий тус бериш каби айрим сиёсий элементлар ўзлаштирилган. Илк ислом даврининг ташқи сиёсий фаолиятидаги элементлар бу даврга келиб, мукамал сиёсий институтларга айланишини кўриш мумкин.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, умавийлар ва аббосийлар ҳукмронлиги даврига келиб Араб халифалиги билан Ғарб ва Шарқ давлатлари, халифалик таркибидаги маҳаллий

ўлкалар ҳукмдорлари, уларнинг хорижий давлатлар билан элчилик алоқалари янада кучайган. Хусусан, умавийларнинг амири билан унинг жойлардаги ноиблари ўртасида ҳижрий 59-132 йиллар оралиғида 62 маротаба элчилик сафарлари уюштирилиб, 59 марта ўзаро мактублар алмашинуви амалга оширилган [5: 20].

Ислом ҳуқуқида хорижий элчиларга, айниқса, уруш ҳолатида юборилган душман элчиларига иззат-ҳурмат кўрсатиш билан бир қаторда уларнинг ҳарбий сирдан хабардор бўлмаслиги учун чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Абу Бакр Сиддик (р.а.) Румга жангга юборилаётган лашкарбоши Язид ибн Абу Суфёнга шундай кўрсатма берган: “Қачон олдинга душмanning элчилари келса, уларга икром кўрсат ва оз туришларига урин. Токи улар аскаргоҳингдан жоҳил ҳолларида чиқиб кетсинлар. Улар сенинг камчиликларингни ва билимингни англаб олишига фурсат берма. Уларни аскарнинг бой жойига тушир. Бошқаларни улар билан гаплаштира. Улар билан фақат ўзинг гаплаш. Сирингни ошқорингга ўхшатма, яна ишинг аралаш-куралаш бўлиб кетмасин. Қачон маслаҳат қилсанг, сидқ ила гапир, содиқ маслаҳатт оласан. Маслаҳат берувчидан яхшилигингни аяма” [10: 169].

Дипломатик алоқаларга оид тамойилларни тадқиқ этган мусулмон олимлари элчилик муносабатларига дахлдор бўлган масалаларни тизимлаштириб чиққанлар. Хусусан, Муҳаммад Шайбоний “ас-Сияр ал-кабир” асарида элчининг сулҳ ва уруш масалаларини ҳал қилишдаги роли, унинг дахлсизлиги, ваколатлари, хавфсизлигини таъминлаш чоралари билан боғлиқ масалалар ҳақида нафақат ўз даври учун, ҳатто ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган фикр-мулоҳазаларни билдирган. Унинг алоҳида таъкидлашича, сулҳ ва урушга оид масалалар элчилар воситасидагина ўз ечимини топади; элчилар жоҳилия даврида ҳам, ислом даврида ҳам дахлсиз бўлиб келганлар.

Айниқса, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний дипломатик дахлсизлик борасида муҳим фикрларни ўз асарида ёзиб қолдирган. “Ас-

Сияр ас-сағир” асарининг 89 масаласида: “Элчи мусулмон диёрида ҳарбийга дуч келса ва у “мен элчиман” деб, подшоҳнинг мактубини кўрсатса ва бу мактуб ҳақиқатдан ҳам подшоҳга тегишлилиги тасдиқланса, унинг хавфсизлиги таъминланади” деб ҳукм чиқарилган [5: 47]. Шунингдек, “ас-Сияр ал-кабир”да таъкидланишича, элчи мусулмон, мустаъмин ёки зиммий бўлишидан қатъи назар унинг ҳуқуқий мақоми бир хил бўлади [7: 44].

Асарда келтирилишича, давлат бошлиғи ўз хузурига келган “дорул ҳарб” элчиларининг ҳам хавфсизлигини тўлиқ таъминламоғи лозим; элчиларни турли тажовузлардан муҳофаза қилиш, токи ўз ҳудудларига етиб боргунларигача уларнинг хавфсизлигини таъминлаш элчиларни қабул қилган давлат бошлиғи зиммасида бўлади; элчини бошқа давлатга юбораётган давлат бошлиғи унинг элчи эканлигини тасдиқловчи ўз муҳри босилган ҳужжат билан таъминлаши, ушбу ҳужжат элчи дахлсизлигининг кафолати бўлиб, то ўз юртига қайтиб келгунича дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади; элчи фаолият олиб бораётган давлат манфаатларига қарши хатти-ҳаракатлари кузатилса ёки бу ҳақда шубҳа пайдо бўлса, унинг дахлсизлиги инобатга олиниб тезда тегишли чора-тадбирлар кўрилади; элчилар дахлсизлиги инобатга олиниб, уларнинг хиёнати аниқланмагунча уларга озор берилмайди; давлат бошлиғи хорижий элчиларни ҳурматини жойига қўйиб кутиб олиши ва совға-саломларини қабул қилиши лозим бўлади; совға-саломларни қабул қилиш давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ўрнатиш ва мустаҳкамлашга интилишни англатса, уларни рад этиш давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг яхши эмаслигидан далолат беради [9: 272].

Элчиларни хорижий давлатларга юбориш, сафар вақтида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шахси ва мол-мулклари дахлсизлигини кафолатлаш билан бир қаторда элчиларнинг қабул қилган мамлакат ҳудудида ўзини қандай тутиши, қандай хатти-ҳаракатлардан тийилиши, ўзининг элчи эканлигини иддао қилиши кабилар ҳам ислом ҳуқуқида қатъий тартибга солинган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ислом ҳуқуқи амалиётида ва фақиҳларнинг асарларида “сохта” элчиларга муносабат, уларнинг тақдири билан боғлиқ айрим жузъий масалалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Хусусан, бир киши “дорул ислом”да ҳарбий кишига дуч келиб “мен элчиман” деб унинг ҳақиқатдан ҳам элчи эканлигини тасдиқловчи ўз подшоҳи томонидан берилган махсус ҳужжатни кўрсатса, элчи ўз вазифасини адо этгунча дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Агар унинг кўлида бундай ҳужжат бўлмаса ёки ҳужжатнинг сохта эканлиги исботланса, унинг ўзи ва мол-мулки файъ (ўлжа) ҳисобланади. Агар ушбу шахс “дорул ислом”га мустаъмин мақомида келганини айтиб, буни исботлай олмаса ҳам унинг ўзи ва мол-мулки файъ сифатида эътироф этилади. Мустаъминнинг “дорул ҳарб”даги қарзлари ва шартномалари “дорул ислом”да ҳеч қандай юридик кучга эга бўлмайди. Агар у “дорул ислом”да қарз берса ва шартнома тузса улар тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради [8: 16].

Бу каби қарашлар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва бошқа кўплаб фақиҳларнинг асарларида учрайди. Умумий маънода айтиш мумкинки, ислом ҳуқуқида элчиларнинг ҳаёти, дахлсизлиги унинг эътиқоди ва миллатидан қатъи назар таъмин этилган. Бу эса дипломатик алоқаларнинг ривожига ўзига хос ижобий таъсир кўрсатган.

Дипломатик муносабатларга доир ислом ҳуқуқида шакллантирилган қоидалар асрлар давомида ислом олами билан хорижий давлатлар ўртасидаги элчилик муносабатларининг ривожланиши, мусулмонларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётига таъсир кўрсатмасдан қолмаган. Шу жумладан, ислом маданий-маърифий ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатган омиллардан яна бири IX-X асрларда Юнонистон, Хитой ва Ҳиндистон мутафаккирларининг фалсафа, мантиқ, ахлоқ, тиббиёт, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқшунослик масалаларига бағишланган асарларининг араб, форс ва бошқа маҳаллий тилларга таржима қилинишидир.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мусулмон юртлари маданий-маърифий ҳаётида юз берган ижобий ўзгаришлар натижаси ўларок, инсоният тарихида маданиятнинг янги типи – ислом маданияти вужудга келди. Араб тили – ислом дини бирлаштирган турли халқ ва элатлар учун асосий алоқа тилига айланди. Ўз навбатида араблар Византияга қарам бўлган Сурия, Миср ва Эрондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий давлат тизими, маъмурий ташкилотлар, моддий ва маънавий ҳаёт удумларини қисман ўзлаштирдилар. Шунингдек, сосонийлар давлатидан марказлашган давлат идораси, солиқ сиёсати ва ишлаб чиқариш усулини қабул қилдилар.

Тараққиёт даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва халқларнинг бир давлатга бирлашуви, улар ўртасида яқин алоқаларнинг ўрнатилиши, иқтисодий ҳаётнинг раванқ топиши, ички ва ташқи савдо алоқаларининг ривожига туртки берди. Натижада халифаликни ташкил этган халқлар маданияти Европадаги тарқоқ давлатлар, мамлакатлар маданиятидан юқори даражага кўтарилди. Тадқиқотлар ислом ҳуқуқида халқаро муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки босқичиданоқ, тинчлик, бағрикенглик ҳамда турли халқлар билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда турмуш кечириш ислом халқаро муносабатларининг бош моҳияти бўлганини кўрсатади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. – Тошкент: “Movarounnahr” нашриёти, 2020. – 712 б.
2. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад. – Ж. 25. – Байрут: Муассасат ар-Рисола, 2009. – 517 б.
3. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/dip_rel.shtml
4. Ибн Саъд. Ат-Табақот ал-Кубро. – Ж. 2. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2017. – 342 б.
5. Ибрагимова Н.К. VII-XII асрлар ислом тарихига оид манбаларда Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқ элчилиги алоқалари. Тарих.фан.номз. ... фал.док. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2019. – 57 б.
6. Имом Жаъфар Барзанжий. Мавлид ун-набий. Фозилжон Махдум Марғилоний таржимаси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2010. – 225 б.
7. Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий. Шарҳ ас-сияр ал-кабир. – Ж. 1. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – 260 б.
8. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний. Китоб ас-Сияр ас-сағир – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1998. – 30 б.
9. Тўйчибоев А. Сарахсий асарларида дипломатик ҳуқуқ масалалари // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2012. № 4. – Б.271-272.
10. Абу Бакр ва Умар розияллоху анҳумо // Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. – Ж. 21. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти, 2011. – 432 б.
11. Jurayev Sh. (2021) Development and specific features of Siyar science. Article 6 // The Light of Islam: Vol. 2021: Iss. 4. – P. 48-54.